

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, чет эл бозорларида рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизнинг экспорт қилувчи тадбиркорларини ташқи бозор конъюнктураси ўзгаришлари хавф-хатарларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгашининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

талаб-эҳтиёжга бўлган жорий ва истиқболдаги конъюнктурани ўрганиш юзасидан ташқи бозорларнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ҳамда мамлакатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни экспорт қилиш учун потенциал имкониятларни аниқлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, бунинг асосида экспортга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон ва минтақавий бозорлардаги талаб-эҳтиёжга мос келишини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда, эҳтимол тутилган харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда, экспорт қилувчиларни эҳтимол тутилган хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилишда, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги бўйича талаб этиладиган зарур лицензиялар,

сертификатлар ҳамда бошқа рухсатнома ва йиғимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, «давра столлари» ва бошқаларни ташкил этиш йўли билан мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан хорижий харидорларнинг мулоқотларини ташкил этишга кўмаклашиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси нодавлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Жамғарма фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатади ва ёрдам беради;

Жамғарма Кенгаши Жамғармани бошқариш юқори органи ҳисобланади, ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижрочи органи ва унинг маблағларини тасарруф этувчи ҳисобланади;

Жамғарма маблағларининг бошланғич миқдори 5,0 миллиард сўмни ташкил этади, бунинг 2,5 миллиард сўми давлат бюджети маблағларидан бериладиган бирйўла бадал ҳисобига, қолган қисми эса муассислар – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, бошқа тижорат банклари, молиявий институтлар ва донорларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига шакллантирилади;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатишдан халқаро амалиётда умумқабул қилинган миқдорларда – шартнома қийматининг 3 фоизигача бўлган комисион ажратмалар тарзида олинган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларининг манбалари ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жамғарма томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари:

экспортга мўлжалланган
маҳсулотнинг мамлакатимиз

2-бетда

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



СУДЬЯЛАРНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги 216-сон қарори билан судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ҳужжат билан белгиланишча ваколатлари муддати тамом бўлган судьялар учун ваколатларнинг янги муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) учун уларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида ёхуд янги иш жойида ишга жойлашгунигача ўртача ойлик иш ҳақи уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга сақлаб қолинади.

Олий суд, Олий ҳўжалик суди судьяларига ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт-санитария бирлашмаси муассасаларида таъминланади.

Судьялар лавозимида захирада турган ҳамда махсус курсларда ўқиш ва тегишли судларда стажировкадан ўтиш учун юборилган бошқа шахрлик шахсларга ўқиш ва стажировка даврида қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси доирасида хизмат сафарларида белгиланган тартибда ва миқдорларда суткалик пул тўланади, уй-жой ижараси ҳамда ўқиш (стажировка) жойигача бир марталик келиш ва асосий иш жойига қайтиб бориш харажатлари қопланади.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ҳар йили, 1 июлгача Молия вазирлигига махсус курсларда мажбурий ўқишларга, шунингдек тегишли судларда стажировкага юборилган шахслар сони тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

ЯПОНИЯДА ЎҚИШ УЧУН

Вазирлар Маҳкамасининг 25.07.2013 йилдаги 210-сон қарори билан мамлакатимиз вакилларининг Япониянинг етакчи университетлари магистратурасида ўқишини ташкил этиш учун берилаётган Япония ҳукуматининг 204 млн Япония иенаси миқдоридаги грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўқиш учун номзодларни танлаб олиш Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Япония Халқаро ҳамкорлик маркази, ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ҳужжат билан республикамиздаги турли идораларнинг лойиҳани амалга ошириш доирасидаги ваколатлари белгиланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш доирасида Японияда ўқиган Ўзбекистон мутахассисларининг маълумоти тўғрисидаги ҳужжатлар нострификация қилинишига ва улар ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш ҳамда улар меҳнат фаолиятининг доимий мониторингини олиб бориш вазифаси юкланди.

ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ УЧУН ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

Вазирлар Маҳкамасининг 2.08.2013 йилдаги 215-сон қарори билан пойтахтдаги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Республика олимпия захиралари коллежидаги ўқув ўринлари 600 нафардан 660 нафарга оширилди.

Шуни эслатиб ўтамоқчи, Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.2010 йилдаги 163-сон қарори билан тасдиқланган Олимпия захиралари коллежлари тўғрисидаги низомга мувофиқ Республика олимпия захиралари коллежи коллежлар учун ностандарт бўлган тузилмага эга. Бу ердаги ўқувчилар умумтаълим (7-синфдан 9-синфгача), шу жумладан ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича таҳсил оладилар.

Энди мазкур иккита таълим бўғинларининг ҳар бирида 330 нафардан ёш спортчи таълим оладиган бўлди.

Ҳукумат қарори спортнинг олимпия турларини ривожлантириш ва оммалаштириш, ёш истиқболли спорт-

2-бетда

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим жиҳатларидан бири мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, улар товарларининг минтақавий ва халқаро бозорларга чиқиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобланади. Қозоғистон Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлик, савдо соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳам ушбу вазифаларни амалга оширишга имкон беради.

Яқинда мамлакатимиз экспортчиларининг бир гуруҳи Алматида бўлди. Қозоғистоннинг Миллий иқтисодий палатаси «Атамекен» уюшмаси билан USAIDнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича лойиҳаси ташкил этган «Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида савдо оборотини кўпайтириш йўллари» мавзусидаги давра суҳбати доирасида ўзбекистонлик экспортчилар Қозоғистоннинг давлат органлари ва ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашдилар. У бундай доирада иккинчи учрашув бўлиб, биринчиси шу йилнинг апрелида Тошкентда ўтказилган эди.

3-бетда

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида



брендларини ривожлантириш, экспортга етказиб беришни олға силжитиш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг қонунчилигига мувофиқ зарур лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг халқаро тендер савдоларида иштирок этиши билан боғлиқ рўйхатдан ўтиш йиғимлари ҳамда бошқа тўловларни тўлаш;

экспорт шартномаларини тузган, янги бозорларга чиқиш ва янги маҳсулот турларини экспорт қилишни таъминлаган ҳолда чет эллардаги кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш учун беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, жумладан унинг ҳудудий филиаллари 2019 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, йиғимлар, бож ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

6. Белгилаб қўйилсинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарлар ва хизматларни олдиндан ҳақини тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки ўрнатилган тартибда берилган экспорт шартномасининг суғуртаси бўйича полис мавжуд бўлганида 180 кун мобайнида маблағ келиб тушиши ёки орқага қайтариш муддати кафолатсиз хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда Жамғарма муассисларининг ташкилий йиғилишини ўтказиш, унинг низомини тасдиқлаш ҳамда Жамғарма Кенгашини шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жамғарма Кенгаши бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия

вазирлиги билан биргаликда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Жамғарма ижро этувчи дирекцияси ва унинг ҳудудий филиаллари тузилмасини тасдиқласин, Жамғармани маркетинг, ташқи савдо операциялари ва халқаро ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Жамғарма ижро этувчи дирекциясини Тошкент шаҳар, Ғ.Ғулом кўчаси, 1-уйда жойлаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, уни зарур техника, асбоб-ускуналар ва алоқа турлари билан жиҳозлаш кўзда тутилсин.

Жамғарма Кенгаши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ой муддатда Жамғарманинг ҳудудий филиаллари шакллантирилиши ва жойлаштирилишини таъминласин.

Жамғарманинг ижро этувчи дирекциясини ва унинг ҳудудий филиалларини жойлаштириш ижара ҳақи ундирилмасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 8 август.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



чиларни танлаб олиш, шунингдек Республика олимпия захиралари коллежининг мавжуд моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш мақсадида Президентнинг «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан қабул қилинди.

ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ рўйхат рақами 07.08.2013 йил, 2497-сон) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сон Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Маълумки, 2013 йил 15 августдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 91 530 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 109 850 сўм миқдорида белгиланди.

Молия вазирининг буйруғи билан яқка тартибдаги коэффициентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинладиган пенсиялар ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2013 йилнинг август ойи учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан пенсиялар ва нафақаларни тўлаш қайдномалари ҳамда почта пул ўтказмалари, пенсиялар ва нафақалар миқдорлари 1,075 бараварга ошганлигини инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тузилади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан (91 530 сўм х 8 = 732 240 сўм) ортиқ

бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади.

Яқка тартибдаги коэффициентлар қўлланилган ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 732 240 сўм (91 530 сўм х 8) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоиизларга кўпайтирилади.

Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

Барча ҳолларда пенсияларга устама 2013 йил 15 августдан Президентнинг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сон Фармони билан белгиланган энг кам иш ҳақидан (91 530 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

ДОРИЛАРНИ РЕЦЕПТСИЗ СОТИШ

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғи (АВ томонидан 29.07.2013 йилда 2494-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати тасдиқланди. АВ томонидан 18.04.2012 йилда 2353-сон билан рўйхатдан ўтказилган аввалги Шифокор рецептсиз сотиладиган дори воситаларининг рўйхати ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди.

Янги Рўйхатга 1 378 номдаги (илгари 1 344 та эди) дори воситалари киритилган.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва дорихоналардан шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларига ушбу рўйхатга киритилган дори воситаларнинг худди шу таркибдаги таъсир қилувчи моддалари ва дори шаклига, дозасига эга бўлган дори воситалари ҳам кирди. Дори воситаларининг ўрамлари, қўллаш бўйича йўриқномалари, илова-варақаларида кўрсатилган бериш тартибидан қатъи назар, дори воситаларини беришда ушбу рўйхатга амал қилиниши керак.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни таҳририят экспертлари тайёрладилар.

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	12.08.2013	1	0,7844	1	1,0452	1	0,0239
Арманистон	9.08.2013	1	407,48	1	545,33	1	12,41
Беларусь	13.08.2013	1	8920,00	1	11870,00	1	271,00
Грузия	12.08.2013	1	1,6600	1	2,2201	100	5,0516
Қозоғистон	12.08.2013	1	152,87	1	204,60	1	4,66
Қирғизистон	13.08.2013	1	48,9652	1	65,1629	1	1,4887
Латвия	13.08.2013	1	0,527000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	13.08.2013	1	2,5915	1	3,4528	1	0,078786
Молдова	12.08.2013	1	12,7249	1	17,0164	1	0,3873
Россия	13.08.2013	1	32,8910	1	43,8305	—	—
Тожикистон	12.08.2013	1	4,7675	1	6,3504	1	0,1486
Украина	12.08.2013	100	799,3000	100	1068,9039	10	2,4324
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 13 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1946,13	1 Польша злотийси	673,40
1 Англия фунт стерлинги	3277,12	1 СДР	3222,75
1 Дания кронаси	377,92	1 Туркия лираси	1100,49
1 БАА дирҳами	575,94	1 Швейцария франки	2289,60
1 АҚШ доллари	2115,36	1 ЕВРО	2811,27
1 Миср фунти	302,85	10 Жанубий Корея вон	19,00
1 Исландия кронаси	17,86	10 Япония иенаси	219,28
1 Канада доллари	2056,54	1 Россия рубли	64,37
1 Хитой юани	345,68	1 Украина гривнаси	264,65
1 Малайзия ринггити	653,19		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОНДА:

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**
- МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК

- Ўзаро фойдали ҳамкорлик
- ҲУЖАЛИК ҲУҚУҚИ
- Суд харажатларини ундириш тўғрисида
- Кечикиш ҳам ҳар хил бўлади
- Неустойка суммасини суд белгилайди
- Қонунга қатъий риоя этиб
- КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Агар директор ишдан кетса
- Асосни унутманг, иш берувчи!

3-бет

4-бет

- Агар ажрашасан, хотиним қайси мулкларга эга бўлади? **5-бет**
- ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- МЧЖда улушни ким охири қайтариб олади?
- Иштирокчилар аҳил бўлишмаса
- Иштирокчини МЧЖдан қандай қилиб чиқариш мумкин
- ИНВЕСТИОР ЁН ДАФТАРИГА
- Нафи катта сармоялар **7-бет**

6, 8-бетлар

ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК



Тадбирда 60 дан зиёд тадбиркор ва ҚР давлат ҳокимияти органлари ва бизнес уюшмалари, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдони ривожлантириш бўйича ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

БАТАФСИЛ МУҲОКАМА УЧУН

Амалиётнинг кўрсатишича, долзарб масалаларни давра суҳбатида муҳокама қилиш манфаатдор тарафларнинг мулоқотини янада самаралироқ ташкил этиш имконини беради, муаммоларни таҳлил қилиш, хулосаларни аниқлаштириш ва ҳаракатларнинг умумий режасини ишлаб чиқиш учун мақбул муҳитни яратади. Учрашув чоғида суҳбатнинг асосий жиҳатларини белгилаш учун олдиндан Қозоғистон Республикасида ташқи савдо операцияларини амалга оширишга тааллуқли бўлган муаммолар бўйича ўзбекистонлик экспортчилар ўртасида анкета тарқатилди.

Сўраб чиқилганлар Қозоғистон Республикаси билан ташқи савдо ҳамкорлиги бўйича республикага экспортни амалга ошириш, божхона расмийлаштируви, савдо битимлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар, юкларни ташиш, улар ўрнининг бутунлигини таъминлаш, товарларни транзит ташиш, шунингдек бошқа муаммолар билан боғлиқ саволларга жавоб бердилар.

Анкеталарда кўрсатилган муаммолар доираси унча кенг эмас эди. Сўраб чиқилганларнинг амалда ярми ҳозирча Қозоғистонда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш чоғида қийинчиликларга тўқнаш келмаганликлари ёки улар арзимас даражада бўлиб, юйларнинг ўзида тезкорлик билан ҳал этилганлигини айтдилар.

Жавобларнинг қолган қисми божхона расмийлаштирувига оид эди. Бу асосан ЎзР экспортчилари юкни ҚР божхона чегарасигача ёки импортчи — ҚР тадбиркорлик субъекти жойлашган жойга етказиб бериши, барча ички таомиллар (божхона тозалаши, лицензиялаш, сертифицикатлаш ва бошқалар)ни эса одатда Қозоғистон резидентлари амалга ошириши билан боғлиқ масалалардир. Бунда баъзи ҳолларда кўрсатилишича, ушбу резидентлар гоҳида юкнинг божхона расмийлаштируви чоғида шахсий алоқалардан фойдаланишга мажбурлар.

Кенг тарқалган муаммолар орасида қуйидагилар ажратилди: чегарадаги назорат; ЎзР компаниясининг савдо уйи, филиали (ваколатхонаси)ни барпо этиш; юкни, шу жумладан транзит юкни автотранспорт ва темир йўл транспортида ташиш.

Чегарадаги назорат тўғрисида сўз борганда сўраб чиқилганлар назорат қилувчи органларнинг диққатини ва чоралар кўрилишини талаб қиладиган ҳолларни кўрсатдилар. Баъзи назорат

қилиш-ўтказиш пунктларида чегарани кесиб ўтаётган шахсларга асоссиз талабларни қўйиш учун сабаб бўлиб ЎзР божхона декларациясини тақдим этмаслик (фақат ЎзР божхона органларига тақдим этилади) ва ҚР декларациясининг йўқлиги хизмат қилган. Ҳолбуки, ҚР божхона қонунларига кўра*, эквивалентда 10 минг АҚШ доллари тенг бўлган ёки ундан ошмайдиган умумий суммада нақд пул маблағлари ва (ёки) йўл чеклари бир йўла олиб кирилганда, уларга ёзма равишда божхона декларацияси тўлдирилмайди.

Яна бир сабаб бўлиб ҚРда қисқа муддатли бўлиш ёки транзит билан чегарадош мамлакатлардан ҳаракатланганда гўё рўйхатдан ўтказиш муддатларини бир кунга ўтказиб юбориш ҳисобланади. Ҳолбуки, ҚРда бўлиш қоидаларига кўра, агар республика ҳудудида бўлиш муддати 5 кундан ошса, миграция хизматида рўйхатдан ўтиш лозим.

Шунингдек Қозоғистон НЎПга киришда ўтказиш пунктнинг фаолиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кишилар гуруҳи иш юритиши тилга олинди. Уларда гарчи «беупл» деб ёзилган бўлса-да, миграция карталарини (асосан 5 минг сўмга) сотадилар. Шунингдек ушбу ҳужжатни тўлдирганлик учун ҳам ҳақ оладилар.

Бир қараганда, ушбу муаммолар бевосита ТИФ билан боғлиқ эмасдек туюлади, бироқ шундай бўлса-да улар жисмоний шахсларнинг, шу жумладан ташқи иқтисодий масалалар бўйича ҚРга бораётган тадбиркор ва фермерларнинг чегарадан ўтишларида муайян мураккабликлар яратади.

Сўраб чиқилганларнинг бир нечтаси бюрократизм, қоғозбозлик ва ҳужжатларнинг ортиқча талаблари (2010 йилдаги вазият бўйича ахборот) сабабли ҚРда хорижий фирманинг савдо уйи, филиали (ваколатхонаси)ни очиш муаммоларини қайд этдилар. Уларнинг фикрича, ҚР ҳудудида чекланган масъулиятли жамият (ЧМЖ) очиш ва Қозоғистоннинг иштироки 100% бўлган юридик шахс учун ишлаш осонроқ.

Сўров жараёнида фуралар ҚР ҳудуди бўйлаб юрган да ва РФга транзит кирганда ёки ундан чиқганда йўл полицияси ундирадиган тўловлар тўғрисидаги ҳолатлар тилга олинди. Мисол учун, автоназорат ходимлари божхона юк декларациясини тақдим этишни талаб қилганлар, транспорт воситасининг оғирлик-ҳажм параметрлари, дорилар қутчасида дори-дармонларнинг яроқлилик муддати, сугурталаш ва бошқа ҳолларга асоссиз равишда аралашганлар. Темир йўл

транспортида ҳаракатланганда вокзаллар НЎПларида божхоначилар томонидан, бориш йўлларида эса транспорт полицияси вакиллари томонидан ғайриқонуний тўловларни ундириш ҳоллари юз берган.

Сўраб чиқилганларнинг айримлари темир йўл билан боғлиқ бир қатор муаммоларни таъкидладилар, улар жумласида ҚРда турлари ва миқдори бўйича ихтисослашган ҳаракат таркиби, етказиб беришнинг талаб қиладиган шартларига асосан ташувчини (транспорт компаниясини) топишнинг мушкуллиги, линия контейнерларини қайтариб бермаслик ва улардан жойларда фойдаланиш масалалари бор.

Бошқа сабабларни таъкидларкан, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалигида қайта ишлаш соҳаси вакиллари (Ўзбекистон фермерлар кенгаши аъзолари) биринчи ўринга ҳамкорларни излаш билан боғлиқ муаммоларни, саноат маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар эса Қозоғистон бозорини билмаслик масаласини илгари сурдилар.

Шунингдек республикадаги вакиллари мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдо операциялари маркетингига тааллуқли муаммоларни: бўлғуси мижозлар тўғрисидаги ахборотнинг етишмаслиги, товар йўналишлари бўйича таҳлилий ахборотни олиш билан боғлиқ катта мураккабликларни кўрсатдилар.

Анкеталаштириш жараёнида ЎзР экспортчиларидан бир қатор таклифлар келиб тушди. Чунончи, ташқи савдо иштирокчилари ҳар доим ушбу мамлакат давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатларини тўғри тушуниш ва талқин этиш учун етарлича билимларга эга бўлмайдилар. Шу сабабли улар мулоқотнинг иккала мамлакат давлат органлари ва бизнес ҳамжамиятлари вакиллариининг иштирокида экспортнинг долзарб масалалари бўйича семинарлар, давра суҳбатлари сингари шакллари мунтазам асосда жорий этиш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, Қозоғистонда юкларни дастлабки декларациялаш жорий этилганлиги сабабли, дастурий маҳсулотни ишлаб чиқувчиларга юкларни экспорт чоғида чегара орқали олиб ўтишни жадаллаштириш мақсадида дастурдан фойдаланишнинг тақдимотини ташкил қилиш таклифи (ЎзР божхона брокерлари уюшмасидан) келиб тушди.

САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ШАРҲИ

«ҚР савдо сиёсатини ри-



вожлантириш маркази» АЖ савдо-иқтисодий ҳамкорлик департаменти лойиҳа менежери Даур ЧИГАМБОВнинг лойиҳаси ушбу масалага бағишланди.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 116 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжат ташкил қилади, улар амалда ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олган. Шартномаларнинг 68 таси савдо-иқтисодий соҳага тааллуқли. Улар жумласига ташқи иқтисодий ҳамкорликни тартибга соладиган Битимлар: эркин савдо зонасини барпо этиш тўғрисида (15.04.1994 йилдаги) — МДХ доирасида, эркин савдо тўғрисида (2.06.1997 йилдаги); савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги (4.01.1993 йилдаги); инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида (2.06.1997 йилдаги); даромадлар ва мол-мулкка иккиёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик тўғрисида (12.06.1996 йилдаги) — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги икки тарафлама шартномалар ва бошқалар бор.

1997 йилдан бошлаб ЎзР билан ҚР ўртасида икки тарафлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия фаолият кўрсатяпти. Унинг охириги 12-мажлиси ўтган йилнинг 29 ноябрида Тошкентда бўлиб ўтди.

Д.Чигамбоевнинг таъкидлашича, Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида товар обороти кейинги йилларда ўсган. 2010 йилда у 1 574 млн АҚШ долларида кўпни, 2012 йил якунлари бўйича қарийб 2 161 млн долларни ташкил этган. 2012 йилда Қозоғистоннинг экспорти 1 343 млн АҚШ долларида, импорти эса 817 млн

Давра суҳбатида Ўзбекистон экспортчилари уларни қизиқтираётган саволларга масъул шахслардан жавоблар олдилар. Газетамизнинг кейинги сонларида улар Қозоғистон давлати органлари вакиллариининг юкларни чегара орқали олиб ўтиш муаммоларига бағишланган тушунтиришлари билан бирга чоп этилади.

Тадбирда иккала мамлакат тадбиркорларининг ҳам учрашувлари бўлиб ўтди, уларда ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди. Бир гуруҳ фермерлар Астанада боришди, у ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришга доир шартномалар тузилди. Битимларнинг суммаси бир неча юз минг АҚШ долларини ташкил этади деб кутиляпти. Бу эса фақат бошланиши. Амалий самарадорлигини ҳисобга олиб, бундай доирадаги ҳамкорликни мунтазам асосда амалга ошириш таклиф қилинди.

АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган.

Қозоғистонга Ўзбекистондан 2012 йилда, хусусан, нефть газлари ва углевод, енгил автомобиллар, маъданли ўғитлар, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини (узум, ўрик, олча, помидор) импорт қилинган.

Қозоғистонлик вакил ЎзРга экспортнинг энг катта салоҳиятига эга бўлган товарлар гуруҳини акс эттирувчи диаграммаларни тақдим этди, республикадаги товарлар етказиб беришдан манфаатдор Қозоғистон компаниялари рўйхати билан таништирди, ҚР тадбиркорларининг фикрича, ўзаро савдонинг ўсишига тўсқинлик қиладиган савдодаги ғовларни кўрсатди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари ҳақида сўзларкан, Д.Чигамбоев транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги бўлғуси имкониятларни тилга олди, улар Ўзбекистон ва Қозоғистон, шунингдек бошқа мамлакатлар ташувчиларининг транзит юклари салмоқли ҳажмларини жалб этиш имконини беради. У эътиборни транзит юклари учинчи мамлакатлар билан чегарадан ўтиш пунктлари орқали тўсиқсиз ўтказишни таъминлашнинг зарурлигига қаратди. Аввало бу ҳол чегарадаги «Достық-Адашанькоу», темир йўлда Қозоғистон—Хитой ўтиш пунктнинг тирбандлигига тааллуқли, у ХХР ва Ўзбекистонни Қозоғистон ҳудуди орқали боғлайдиган энг самарали транспорт йўлаги ҳисобланади. Унинг фаолияти самарадорлигини ошириш вақт сарфи ва молиявий харажатларни мақбуллаштиришга олиб келади, бу эса Ўзбекистон ҳамда Қозоғистоннинг иқтисодий манфаатларига ҳар томонлама жавоб беради.

*Божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан нақд пул маблағлари ва (ёки) пул дастакларини олиб ўтиш тартиби тўғрисидаги шартномага кўра (Евросиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг давлатлар раҳбарлари даражасидаги мажлисида имзоланган, 2010 йил 5 июлдаги 51-сон).

СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ УНДИРИШ ТЎҒРИСИДА

2013 йил июнида Тошкент шаҳар хўжалик суди бизнес фойдамизга асосий қарз ва пеня суммасини ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Бироқ ҳал қилув қарорида жавобгардан биз тўлаган давлат божи ва почта харажатларини ундириш тўғрисида ҳеч нима айтилмади.

Биз суд харажатларини қандай қилиб ундираемиз. Бунинг учун яна судга даъво аризаси билан мурожаат қилишимиз лозимми?

Бэлла Д. Вернер,
МЧЖ бош бухгалтери.


– Жавобгардан суд харажатларини (мазкур ҳолда давлат божи ва почта харажатларини) ундириш учун ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судига қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этиш лозим. Суд харажатлари тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинмаганлиги, Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 149-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, суд томонидан қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда эътиборни ХПКнинг 149-моддаси, Олий хўжалик судининг «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» (15.06.2007 йилдаги 161-сон) ва «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида» (15.06.2007 йилдаги 162-сон) қарорларида назарда тутилган, бундай аризани тақдим этиш ҳамда кўриб чиқиш хусусиятларига қаратамиз:

1. Қўшимча қарор қабул қилиш масаласи суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча, яъни у қабул қилинган кундан бошлаб бир ойлик муддат тугагунча қўйилиши мумкин.

2. Қўшимча ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахслар таклиф этилган ҳолда суд мажлисида қабул қилинади. Тегишли тарзда хабардор қилинган, ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

3. Суд хатоси суднинг даъво моҳияти бўйича хулосаларига мувофиқ келмаган тақдирда суд қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишга ҳақли



эмас. Суд хатосини тузатиш мазкур ҳолда ҳал қилув қарорини ХПК белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

4. Агар суднинг ҳал қилув қарорига апелляция шикоят берилган ёки протест келтирилган ва бир вақтнинг ўзида қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи қўйилган бўлса, суд аввал қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласини ҳал қилади, кейин ишни кўриб чиқиш учун апелляция инстанциясига юборади.

Шу муносабат билан, агар сиз судга ХПК 149-моддасининг талабларига риоя этган ҳолда қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи бўйича мурожаат қилсангиз, судга суд харажатларини ундириш тўғрисида ариза билан такроран мурожаат этиш талаб қилинмайди.

КЕЧИКИШ ҲАМ ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

14 майда бизнинг МЧЖга нисбатан суднинг 500 млн сўмни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди. 29 майда биз хўжалик судининг ҳал қилув қарорини олдик ва ҳукм қилинган сумманинг миқдорида қўшилмасдан, унинг устидан апелляция тартибиде шикоят қилмоқчи бўлдик. Бироқ ҳисоб-китоб рақамида давлат божини тўлаш учун зарур маблағлар йўқлиги туфайли биз шикоят қилиш учун белгиланган муддатни ўтказиб юбордик.

20 июнда биз зарур маблағларни олдик ва энди шундай савол туғилади: шикоят қилиш учун муддат ўтиб кетганидан кейин суднинг ҳал қилув қарорига апелляция бериш мумкинми?

Директор ва бухгалтер.
Қашқадарё вилояти.

– Хўжалик процессуал кодекси 158-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ апелляция шикояти хўжалик суди томонидан ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ой ичида берилади. Ушбу муддатни ҳисоблаш ҳал қилув қарори қабул қилинган санадан кейинги кундан бошланади. Яъни сизнинг ҳолатингизда апелляция шикояти учун белгиланган муддат 14 июнда тугаган.

Бироқ хўжалик суди апелляция бериш муддатини тиклаши мумкин. Бунинг учун судга илтимоснома билан мурожаат қилиб, унда муддатнинг ўтказиб юбориш сабабини асослаш керак. Узрли сабаблар деб, хусусан, суднинг ҳал қилув қарорини 2 ҳафталик муддат ўтказиб юборилганидан кейин олиш, шикоят қилиш муддатининг амал қилиш даврида корхона

нинг ҳисоб-китоб рақамида пул маблағларининг йўқлиги эътироф этилиши мумкин.

Муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома апелляция шикоятда ёки алоҳида аризада баён этилиши мумкин (бу ҳолда у шикоят билан бир вақтда берилади). У ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан судьянинг яқка ўзи томонидан кўриб чиқилади. Илтимосномани кўриш натижалари бўйича суд ажрим чиқаради.

Шунингдек низолаштиётган ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиш учун, апелляция шикояти ва муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома билан бир вақтда, судга ишни апелляция инстанциясида кўриб чиқиш тугашига қадар қарор ижросини кечиктириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Ижро муддатини кечиктириш тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори ҳам ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш якунлари хусусида қабул қилинган суднинг ажримида кўрсатилади¹.

Корхонамиз 100 млн сўм миқдорида қарз ва 50 млн сўм миқдорида неустойка ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилди, чунки етказиб бериш шартномасида тўловнинг муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,4% миқдорида, бироқ тўлов суммасининг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундириш назарда тутилган. Бироқ хўжалик суди неустойка суммасини 20 млн сўмга қадар камайтирди.

Тушунтириб берсангиз, қандай ҳолларда суд жавобгар томонидан тўлов бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун пеня миқдорини камайтиришга ҳақли?

А.Чиркова, корхона бош бухгалтери.
Тошкент вилояти.

НЕУСТОЙКА СУММАСИНИ СУД БЕЛГИЛАЙДИ

– Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 261-моддасига мувофиқ қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади.

Одатда пеня бундай талаб бевосита шартномада назарда тутилганда ундирилади. Баъзи шартномаларда пеняни тўлаш масаласи бўйича қонун ҳужжатларига асосан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга (29.08.1998 йилдаги 670-1-сон) ҳавола қилинади. Шунингдек ФКнинг 263-моддасига кўра, неустойка тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тўтилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви билан кўпайтирилиши мумкин.

Судлар неустойка (пеня, жарима) миқдорини аниқлашда шартноманинг қайси банди талаблари қанчалик даражада бузилганлиги, тарафлар тақдим этаётган ҳисоб-китобларда қайси давр учун

ва қанча миқдорда жавобгарлик кўзда тутилаётганлигини, у қайси қонун ёки шартноманинг бандига асосан белгиланганлигини асослантиришлари, зарур ҳолларда неустойканинг ҳисоб-китобини қайта ҳисоблаб чиқишлари, тарафларнинг талаби билан мутахассисларни ҳисоб-китобларни аниқлаш учун жалб этишлари, экспертиза тайинлашлари лозим¹.

Пеня миқдорини камайтириш ФКнинг 326-моддаси қоидалари бўйича амалга оширилади. Ушбу моддага кўра суд қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкӣ аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатларини эътиборга олиб, неустойкани камайтиришга ҳақли. Суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олиб, суд неустойка миқдорини ФКнинг 326-моддаси қоидалари бўйича камайтиришга ҳақли, тўланадиган пенянинг якуний миқдори ҳар бир ҳолда даъво аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича белгиланади.

¹Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» қарори (4.03.2002 йилдаги 103-сон) 13-банди.

ҚОНУНГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИБ

2013 йил май ойида хўжалик суди бизнинг аризамизга кўра янги очилган ҳолатларга биноан суд ажримини бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Бироқ суд ажримини бекор қилинган ва ижро этилмаган ҳал қилув қарорининг тикланиши ёки у белгиланган тартибда бундан кейин ижро этилиши кераклигини кўрсатмади.

Д.Копалов, тадбиркор.
Тошкент шаҳри.

– Хўжалик процессуал кодекси (ХПК) 208-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик суди суд ҳужжати янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб, аризани қаноатлантиради ва суд ҳужжати бекор қилади ёхуд аризани қаноатлантиришни рад этади ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Бироқ ХПКнинг мазкур моддаси суднинг илгари бекор қилинган суд ҳужжати кучида тиклаш ва ижро этиш масаласини ҳал этиш мажбуриятини назарда тутмайди.

Қўйилган масалани ҳал этиш

учун янги очилган ҳолатлар бўйича суд ҳужжати бекор қилиш тўғрисида ажрим қабул қилган хўжалик судига ХПКнинг 150-моддаси қоидаларига риоя этган ҳолда суд ажримини тушунтириш тўғрисида ариза билан мурожаат этишни тавсия қиламиз.

Чамаси, келгусида ХПКнинг 208-моддасидаги мазкур ҳол бўйича суд мажбуриятларини янада аниқ таърифлаш учун қонун ижодкорларининг бундай вазиятларни таҳлил қилишлари ва зарур қўшимча ҳамда ўзгартиришларни киритишлари керак бўлади.

¹Олий хўжалик суди Пленумининг «Апелляция инстанцияси судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексини қўллаш ҳақида» қарори (28.12.2007 йилдаги 173-сон) 5-банди.

АГАР ДИРЕКТОР ИШДАН КЕТСА

Айтиб берсангиз, агар директор ишдан бўшаса, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқни ким имзолайди ва ким директорнинг меҳнат дафтарчасига ишдан бўшаш хусусидаги ёзувни қайд этади?


Ф.Салимова.
Тошкент шахри.

– Шартномани бекор қилиш тартиби ташкилотнинг мулкчилиги шаклига боғлиқ.

Одатда корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхона бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд

бошқа органлар орқали амалга оширади (*Меҳнат кодексининг 82-моддаси, бундан кейин – МК*).

Раҳбар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тегишинча расмийлаштирилиши



ва бу ҳақда буйруқ чиқарилиши керак. Буйруқни ташкилот раҳбарини лавозимга қабул қилиш ва ундан озод қилиш ваколатига эга бўлган орган чиқариб, Меҳнат кодекси моддаларининг формулировкасини аниқ мувофиқликда

меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларини кўрсатади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходимга меҳнат дафтарчаси берилиши, тўлиқ ҳисоб-китоб амалга оширилиши шарт (*МКнинг 107 ва 108-моддалари*).

Шу тариқа, агар мол-мулк мулкдорлари томонидан ташкилот раҳбарининг меҳнат дафтарчасини юритишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, раҳбар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ёзувни у билан меҳнат шартномаси тузган унинг иш берувчиси тасдиқлаши мумкин. Унинг 4-устунида мулкдорларнинг қарорини кўрсатиш ва ташкилот муҳри билан тасдиқлаш керак (*МКнинг 81-моддаси*).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

АСОСНИ УНУТМАНГ, ИШ БЕРУВЧИ!

МЧЖ Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди бўйича пенсия ёшига етганлиги муносабати билан ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерни ишдан бўшатиши ва айти шу лавозимга бошқа пенсионерни қабул қилиши мумкинми?

Е.Жориев,
МЧЖ директори.

– Фикримизча, МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 7-бандида назарда тутилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун асос пенсия ёшига етган шахсларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш ҳамда ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш имконияти манфаатларини кўзлаган ҳолда белгиланган. Шу сабабли пенсия ёшига етганлиги муноса-

бати билан ишдан бўшатишган шахснинг ўрнига бошқа пенсионерни ишга қабул қилиш, ҳеч бўлмаганда, мантиққа зид бўлиб кўринади. Шундай экан, аввалги пенсионер ходим билан меҳнат шартномасини нима учун бекор қилдингиз!

Албатта, сиз ишдан бўшатишган пенсионерларнинг ўрнига бошқа пенсионерларни ҳам ишга қабул қила оласиз

– қонун ҳужжатлари бунга тақиқламайди. Бироқ четдан ушбу вазият ёқмай қолган ходимдан очиқдан-очиқ халос бўлиш бўлиб кўринади. Масалани судда кўрганда ҳам иш берувчининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишининг асосли бўлганлигини исботлашга тўғри келади.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ

Оиладаги турли ихтилофлар туфайли ажралиш тўғрисида ариза бермоқчиман. Бироқ мени тараддудга солиб қўяётган масалалар бор.

Ҳозирги пайтда мен аёлим ва ота-онам билан биргаликда туғишган акамнинг номига расмийлаштирилган уйда яшайман. Мен ва хотиним отам номига расмийлаштирилган «Ласетти» енгил автомобилида юрардик. Хотинимнинг айтишича, агар бизни ажратишса, қонунга кўра мен унга яшаш учун бир хонани беришим, шунингдек автомобиль қийматининг бир қисmini тўлашим шарт экан. Ҳақиқатан ҳам у нималарни даъво қилиши мумкин?

Тимур,
тошкентлик фуқаро.

АГАР АЖРАШСАК, ХОТИНИМ ҚАЙСИ МУЛКЛАРГА ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛАДИ?

– Акангиз уй мулкдори бўлган ва шундай бўлиб қолаверади ҳам. Агар хотинингиз доимий пропискага эга бўлса ва акангизнинг уйида яшаса, никоҳ бекор қилинганидан кейин ҳам у ана шу уйда яшашга ҳақли бўлади, зеро ажралиш пропискага таъсир қилмайди. Сиз унга яшаш учун хона ажратиб беришга мажбур эмассиз, бироқ уйда яшашига тўсқинлик ҳам қила олмайсиз.

Уй, квартиранинг мулкдори билан унинг собиқ оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар ўртасида турар жойдан фойдаланиш тарафлар келишуви билан белгиланади. Турар жойдан фойдаланиш ҳамда қилинган харажатлардаги улуш миқдори ҳақидаги низолар суд тартибида ҳал этилади (*Уй-жой кодексининг 32-моддаси*).

Отангизнинг мулкидаги автомашинага келсак, агар бунга отангиз эътироз билдирмаса, хотинингиз уни ишончномага асосан бошқариш ҳуқуқига эгадир. Отангиз автомобиль эгаси сифатида исталган пайтда ишончномани бекор қилиб, бундан хотинингизни хабардор қилишга ҳақлидир.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

ЭЪЛОН

БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

уяли телефондан +99871

стационар телефондан 8371

Солиқ солиш ва бухгалтерия масалалари юзасидан саволларингизга телефон орқали жавоб берамиз. Соат 10.00 дан 12.00 гача

Хизматлар бепул

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*.

Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр* Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни

рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Лазерли принтерларни тўлдириш. Мақбул нархлар. Жойига чиқиш билан. Тел. 127-15-28.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.

Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.

ЎЗР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

МЧЖда УЛУШНИ КИМ ОХИРИ ҚАЙТАРИБ ОЛАДИ?

Агар МЧЖдаги улуш учинчи шахсга имтиёз ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган бўлса, ҳар қандай иштирокчи (жамиятнинг ўзи ҳам) суд тартибида харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини унга ўтказишни талаб қилиши мумкин.

Бу ҳол юз бермаслиги учун айти қандай ҳолларда имтиёз ҳуқуқи юзага келишини ва улушни учинчи шахсга сотганда уни қандай қилиб бузмасликни билиш керак.

Имтиёз ҳуқуқининг мақсади — жамиятда манфаатларнинг тенглигини сақлаш ва бизнесга чет кишиларни киритмасликдир. Ушбу ҳуқуқ улуш ортидан «навбат»да иштирокчилар учинчи шахслардан олдинда «туришлари»да ифодаланади. Яъни иштирокчилардан бири МЧЖдаги ўз улушини учинчи шахсга сотишни хоҳласа, қолган иштирокчиларда уни харид қилишда имтиёз ҳуқуқи юзага келади. Ушбу қоида «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 20-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган.

Имтиёз ҳуқуқига нафақат иштирокчилар, балки жамиятнинг ўзи ҳам эга бўлади. Бироқ жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) олишни хоҳламаган тақдирдагина бу ҳуқуқ жамиятда юзага келади. Улуш учун «навбат»да жамият иштирокчилардан кейин, бироқ учинчи шахслардан аввал туради.

Ўзининг имтиёз ҳуқуқини бошқа бировга бериш ёки ундан бошқа биров фойдасига воз кечиш тақиқланган.

Имтиёз ҳуқуқидан фойдаланиб, иштирокчилар сотилаётган улушни учинчи шахсга таклиф қилинган нархда сотиб олишлари мумкин.

Иштирокчилар улушни фақат уларнинг улушларига мутаносиб қисмидагина сотиб олишга ҳақлилар. Жамият уставига бошқа тартиб ҳам назарда тутилиши мумкин.

Қонун имтиёз ҳуқуқига риоя этишга мажбур этади, бироқ амалиётда кўпинча уни четлаб ўтадилар ёки шунчаки назарга олмайдилар.



Шуни ёдда тутиш керакки, имтиёзли ҳуқуққа риоя этмаслик битимни кўзбўямачилик битими сифатида низолашишга олиб келиши мумкин. Улушни сотиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ўз улушини сотиш ниятида бўлган иштирокчи қолган иштирокчилар ва жамиятнинг ўзини бундан хабардор қилади. Бунинг учун жамият орқали хабарнома юбориш лозим. Хабарноманинг шакли белгилаб қўйилмаган, бироқ унда шартнома тузиш режалаштирилатган муҳим шартлар: нарх, тўлаш муддати, тўлаш тартиби ва бошқа шартлар бўлиши керак.

Қонун МЧЖ иштирокчиларига мазкур таклифни ўйлаб кўришга бир ой беради (ушбу даврда жамият уставини кўпайтириш ҳам, камайитириш ҳам мумкин). Сотиб олиш хоҳиши ёзма равишда ифодаланиши ва ушбу муддат тугашига қадар сотувчига юборилиши керак. Агар улушни сотиб олиш хоҳишини бир нечта иштирокчи бирданига билдирган бўлса, уларнинг ҳар бири

билан шартнома тузилади. Бунда улуш улар ўртасида уларнинг устав капиталидаги иштирокчига мутаносиб равишда бўлинади. Хариднинг имтиёз ҳуқуқини бошқага беришга йўл қўйилмайди. Жамият уставига улушларни сотиш пайтида уларни тақсимлашнинг бошқа тартиби назарда тутилиши мумкин.


Муддат тугашигача иштирокчилардан (улушни бўлғуси сотиб олувчилардан) жамиятга имтиёз ҳуқуқидан фойдаланишдан бош тортиш тўғрисида аризалар, жамиятдан эса унинг ваколатли органининг тегишли қарори ёки баённомаси иштирокчининг ўзи — улушни сотувчига келиб тушган тақдирда ҳам имтиёз ҳуқуқи тугатилади.

Агар иштирокчилар ёки жамият улушни белгиланган муддат мобайнида харид қилмасалар, уни учинчи шахсга сотиш мумкин. Улушни сотиш нархи офертада кўрсатилгандан паст бўлмаслиги керак. Сотилган шартлари ҳам офертада кўрсатилганларига мувофиқ бўлиши керак.

Яқун чиқарарканмиз, шуни айтиш жоизки, хариднинг имтиёз ҳуқуқи тўғрисидаги талабларни бузган ҳолда битим амалга оширилганда жамиятнинг ҳар қандай иштирокчиси ёки жамиятнинг ўзи (агар у уставга мувофиқ бундай ҳуқуққа эга бўлса) унга харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтказилишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Иштирокчи ёки жамият бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайдан эътиборан 3 ой ичида судга мурожаат қилиши мумкин («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 20-моддасининг еттинчи қисми). Бунга йўл қўймаслик учун харидор битим тузиш вақтида сотувчидан юқорида кўрсатилган талаблар ва таомиллар бажарилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши керак. Уларга қуйидаги ҳужжатлар кирази: жамият қолган барча иштирокчиларининг ёзма бош тортишлари (эркин шаклда), иштирокчиларга улушни сотиб олиш таклиф этилган хатлар юборилганлигини тасдиқлайдиган почта квитанциялари (қўйилманинг рўйхати билан бўлгани мақбул). Агар харид қилишдаги имтиёз ҳуқуқи жамиятда ҳам бор бўлса, унинг ваколатли органининг мазкур ҳуқуқдан бош тортиш тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган қарори ёки баённома бўлиши зарур.

Шуни ёдда тутиш муҳимки, агар қарор ваколатлардан четга чиқиб ёки бу масалада ваколатли бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса, харидор олган нарсасини йўқотиш хатарига дуч келади.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.



ИШТИРОКЧИЛАР АҲИЛ БЎЛИШМАСА

Агар МЧЖ иштирокчиси ўз мажбуриятларини қўпол тарзда бузса, ким уни суд тартибида жамиятдан чиқаришни талаб қилишга ҳақли: жамиятнинг ўзими ёки унинг иштирокчиларими?

Г.Антикилиди, Б.Жўраев ва бошқалар,
«Шарқ юлдузи» МЧЖ.
Сирдарё вилояти.

— Ҳақиқатан ҳам, қонун ижодкорлари масъулияти чекланган жамиятнинг ишёқмас ходимида уни МЧЖ таркибидан чиқариш йўли билан таъсир кўрсатиш имкониятини назарда тутганлар.

Фақат уч ҳолда:

агар жамият иштирокчиси ўз мажбуриятларини қўпол тарзда бузаётган бўлса;

агар иштирокчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган бўлса;

агар иштирокчи ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан жамият фаолиятини жиддий тарзда қийинлаштираётган бўлса, МЧЖ иштирокчисини жамиятдан чиқарилишини талаб қилиш мумкин.

Кўриниб турибдики, ушбу шартлар баҳолаш тусига эгадир, дейиш мумкин. Шу сабабли фақат суд иштирокчининг хатти-ҳаракатлари мажбуриятларни қўпол тарзда бузиш ҳисобланиши, у жамият фаолиятини жиддий тарзда қийинлаштираётганлиги ёки уни умуман фаолиятсиз қилиб қўяётганлигини ҳал қила олади.

Аввало бошқа иштирокчини жамият таркибидан чиқариш тўғрисида судга даъво билан мурожаат этишга қарор қилган жамият иштирокчиларида ҳуқуқбузарлик ҳамда унинг оқибатлари (ҳуқуқий, иқтисодий, ресурслар, кадр бобида ва бошқа) хусусида далил-исботлар бўлиши керак. Айтайлик, улар иштирокчи жамиятнинг умумий йиғилишларига келмаслиги, бунинг натижасида муҳим қарорлар қабул қилинмаслигидан (зеро, масалан, зарур кворум йўқлиги боис) далолат берувчи ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Энди иштирокчини жамиятдан чиқариш тўғрисида талаб билан судга ким мурожаат қилиши мумкинлиги тўғрисида. Бундай қараганда жавоб аниқ — жамиятнинг ўзи. Бироқ, фикримизча, бу жавоб унчалик тўғри эмас. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон) 8-моддасига кўра иштирокчини чиқариш талабини ушбу МЧЖнинг фақат бошқа иштирокчилари изҳор эта олишлари мумкин.

Улушлари жамлиқда жамият устав фонди (устав капитали)нинг камида 10 фоизини ташкил этадиган иштирокчилар ушбу ҳуқуққа эгалар.

Судга мурожаат этувчи иштирокчиларнинг улуши МЧЖ устав фонди (капитали)нинг 10%идан кам бўлмаслиги муҳим. Сўз жами улуш тўғрисида бораётганлиги алоҳида таъкидланади. Яъни судга, агар унинг улуши МЧЖ устав фонди (капитали)нинг 10%идан кам бўлмаса, бир иштирокчи ҳам мурожаат қила олади.

Ленара ХИКМАТОВА,
юрист.

МЧЖ «_____»

Иштирокчилар: _____

ХАБАРНОМА

_____ йил «__» _____-сон.

Ушбу хабарнома билан «_____» МЧЖ ва иштирокчилар _____ ни _____

_____ га тегишли бўлган, Жамият устав капиталида тўлиқ

тўланган, _____ % миқдорида улушни учинчи шахсга сотиш нияти тўғрисида хабардор қиламан.

Сотиш шартлари:

- нарх: _____;

- тўлаш муддати: улушнинг олди-сотди шартномаси имзоланган пайдан бошлаб _____ кундан кечиктирмай;

- тўлаш тартиби: пул маблағларини сотувчининг банк ҳисобрақамига ўтказиш.

Иштирокчилар ва (ёки) Жамиятнинг улушни сотиб олишнинг имтиёз ҳуқуқидан фойдаланиш ёки мазкур ҳуқуқдан фойдаланишдан бош тортиш тўғрисидаги қарори хусусида «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун 20-моддасининг бешинчи қисмига ва Жамият уставига мувофиқ мазкур хабарнома олинган пайдан бошлаб _____ кун мобайнида ёзма равишда хабардор қилишини сўрайман.

Иштирокчи _____

НАФИ КАТТА САРМОЯЛАР



Саноатнинг ривожланиб бориши, янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва ишлаб турган корхоналарни сақлаб қолиш, бу ишларни хусусан маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг капитал қўйилмалари ҳисобидан амалга ошириш мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъмин этишда муҳим омил саналади. Бу айниқса паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналар ва паст ликвидли объектлар учун бағоят долзарбдир. Ана шу корхоналар ва объектлар, башарти уларнинг янги мулкдорлари томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган тақдирда, «ноль» харид қиймати бўйича реализация қилинади.

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини, паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга бепул бериш тўғрисидаги низомга¹ (бундан кейин матнда 368-сон Низом деб юритилади) мувофиқ инвестор билан тегишли шартнома расмийлаштирилганидан кейин мазкур корхоналарнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар, шунингдек пеня ва жарималар бўйича умидсиз қарзлари ҳисобдан чиқарилади. Бундан ташқари қонун ҳужжатларимизда хорижий инвесторлар учун бир туркум имтиёзлар ва кафолатлар назарда тутилган. Улар хусусан Солиқ кодексида, «Бож тарифи тўғрисида»ги Қонунда², мамлакат Президентининг 10.04.2012 йилдаги ПФ-4434-сон Фармони ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган.

ТАНЛОВ ОРҚАЛИ АНИҚЛАБ ОЛИНАДИ

Паст рентабелли давлат корхоналарини ва паст ликвидли объектларни «ноль» харид қиймати бўйича сотиш хусусидаги қарор ҳудудий танлов комиссияси томонидан қабул қилинади (бундан давлат мол-мулкини хорижий инвесторларга сотишда тендер кимосди савдосини ўтказиш бўйича давлат комиссияси томонидан реализация қилинадиган корхоналар ва объектлар мустасно). Сотилган 368-сон Низом билан тартибга солинади.

Биринчи босқичда давлат мулки объектини (бундан буён матнда объект деб юритилади) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш юзасидан танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон оммавий ахборот воситаларида мазкур тадбир ўтказилишидан камида икки ой олдин эълон қилинади.

Талабгорлар ўз таклифларини кўриб чиқиши учун ҳудудий танлов комиссиясига танловга кечи билан уч кун олдин тақдим этади. Таклифда бизнес-режа, инвестиция дастури (лойиҳа) ифода этилмоғи лозим. Буларда дастурни бажаришнинг мўлжалланаётган муддатлари, маҳсулот тури ва унинг рақобатбардошлиги, ишлатиладиган хом ашё, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тадбирлари, мавжуд ускуналар ва ишлаб чиқариш майдонларидан қай йўсинда фойдаланилиши, янги ускуналар етказиб бериш муддатлари (агар бу нарса назарда тутилаётган бўлса), унинг технологик кўрсаткичлари ва қўйилмаётган иқтисодий самараси, шунингдек сотиб олинган объектни молия-ҳўжалик жиҳатидан соғломлаштириш ёки мазкур объект ҳудудидан фойдаланиш борасидаги бошқа мажбуриятлар ва мўлжаллар акс эттирилади.

Алоҳида ҳолларда, хусусан хорижий инвесторларнинг талабномалари асосида маҳаллий органлар балансидаги паст ликвидли объектлар танлов ўтказмасданоқ «ноль» харид қиймати бўйича сотилади. Бундай кезлари капитал сармоясини инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш асосида киритаётганлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилади.

Инвестиция мажбуриятлари:

- пул маблағлари қўйилмалари ҳамда инвесторлар фаолиятдан олинган фой-

дани, шу жумладан унинг улушига қараб ҳисоблаб чиқарилган дивидендларни қайта инвестициялаш тарзида;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун хом ашё ва материаллар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи қисмлар етказиб бериш йўсинида;

- таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шаклида;

- ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш йўсинида;

- корхонанинг бюджет олдидagi, давлат мақсадли жамғармалари олдидagi қарзини, кредитлар ва бошқа мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман тўлаш тарзида;

- муайян турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни, ишлар бажаришни ва хизматлар кўрсатишни ўзлаштириш тарзида;

- ноу-хауни, бошқа турдаги интеллектуал мулкни жорий этиш шаклида;

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатларини кўтариш йўсинида;

- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакллarda бўлиши мумкин.

Мажбуриятлар ижро муддатларига ҳамда қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ белгиланadиган қиймат баҳосига эга бўлади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ

Давлат мулкини сотиб олган инвестор юридик шахс ташкил этишга ҳақли, бу юридик шахсга объектга бўлган ҳуқуқ берилади ҳамда амалга оширилган инвестиция мажбуриятлари унинг балансида ҳисобга олиб борилади. Мажбуриятларни бажариш учунгина фойдаланиладиган маблағларни жамлаш учун белгиланган тартибда махсус ҳисобварақ очилади. Бажариб бўлинган инвестиция мажбуриятларини узоқ муддатли активлар ҳисобварақларида, хусусан асосий воситалар ҳисоби варағида (0100), номоддий активлар ҳисоби варағида (0400), ўрнатишга тахт қилинган ускуна ҳисоби варағида (0700), капитал қўйилмалар ҳисоби варағида (0800) акс эттириш тавсия қилинади.

Инвестициялар объектга келиб тушган сана ёки инвестор (эмитент) балансида қабул қилиб олинган (ҳисобга қўйилган) сана мажбуриятлар бажарилган сана деб ҳисобланади. Агар инвестор юридик шахс ташкил этган бўлса, инвестициялар ташкил этилган шу юридик шахс балансида келиб тушган (ҳисобга олинган) сана мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Инвестиция мажбуриятлари қабул қилинганидан ва ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар олинганидан кейин амалга оширилган инвестициялар асосий воситалар сирасига ўтказилади ҳамда кейинчалик мулкий мажмуада инобатга олинади.

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва паст ликвидли объектларни, шу жумладан тугалланмаган қурилишларни янги мулкдорга бериш баланс (қолдиқ) қиймати бўйича амалга оширилади (368-сон Низомнинг 21-банди).

Бунда мазкур объектлар қийматини бепул олинган мол-мулк тарзида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир, зотан

инвесторда уларга бўлган мулк ҳуқуқи инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейингина вужудга келади. Бепул олинган мол-мулкдан солиқ олиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан расамадагa солинади.

Сотиб олувчи инвестиция мажбуриятларини давлат активлари олди-сотди шартномасини тузаётганда, баланс тутувчи, зарурати бўлганда эса сотувчи билан келишган ҳолда қабул қилади. Бу қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда, хусусан:

бепул асосда;

пуллик асосда;

баланс эгасининг устав фондидаги улуши сотиб олувчи томонидан кўпайтирилиши (капиталлаштириш) шартлида амалга оширилади.

Инвестиция шартлари тўлиқ бажарилгунга қадар давлат улушини сотиб олишда инвестор сотувчи билан қиймати реализация қилинаётган объект қолдиқ баланс қийматининг 25 фоизидан ортқ бўлган мол-мулкни сотиш билан боғлиқ битимлар тузиш, шунингдек муассислар ўзгариши муносабати билан корхона таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш масалаларини келишиб олиши шарт.

У шунингдек инвестиция мажбуриятларининг шартномада назарда тутилган муддатларда бажарилиши жараёни қандай бораётганлиги ҳақида сотувчига йилнинг ҳар чорағида ҳисобот тақдим этмоғи лозим. Ҳисобот объектнинг у сотилгунга қадар ва ҳисобот тақдим этилган пайтдаги молиявий-иқтисодий ҳолатига оид маълумотларни акс эттирмоғи керак.

ИНВЕСТИЦИЯ МАЖБУРИЯТЛАРИ КАБУЛ ҚИЛИШ

Давлат мол-мулки сотиб олувчиси зиммага олган инвестиция мажбуриятларини қандай бажараётганлиги сотувчи томонидан назорат қилиб борилади, бу иш жумладан махсус қабул қилиб олиш тартиб-таомиллари асосида амалга оширилади. Бундай тартиб-таомил шартномада назарда тутилган даврийликка мувофиқ, аммо йилига камида бир марта амалга оширилади.

Қабул қилиб олиш тартиб-таомили сотиб олувчининг инвестиция мажбуриятлари бажарилганлигига оид ёзма ахбороти асосида ўтказилади. Бунда мажбуриятлар тўлиқ ҳажмда бажарилганлигини қабул қилиб олиш тартиб-таомили бу хусусда ёзма ахборот олинган кундан эътиборан 2 ойдан кечиктирмай амалга оширилади. Инвестор асосий ҳисоботдан ташқари мустақил аудиторлик ва баҳолаш ташкилотлари ҳисоботларини ҳам тақдим этмоғи керак.

Сотувчи ахборотни олгач, комиссия тузади. Комиссия тақдим этилган, инвестиция мажбуриятлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни киритилган инвестициялар шартнома шартларига мувофиқлигига доир эксперт хулосасини инобатга олган ҳолда 2 ҳафта мобай-

нида ўрганиб чиқади. Зарурати бўлган тақдирда комиссия инвестиция киритилган объектни бориб кўриши мумкин.

Текширув натижалари асосида комиссия инвестиция мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилган (ёки бажарилмаган) деб топиш ҳақида асослантилган қарор қабул қилади. Комиссиянинг ижобий қарори олинган тақдирда сотувчи инвесторга инвестиция киритилган объектни тасарруф этиш ҳуқуқини беради.

Инвестор корхона ёки объектнинг тўла ҳуқуқли эгаси бўлиш учун Давлат рақобат кўмитасида кўчмас мол-мулкка доир давлат ордерини ёки улушга доир сертификатни олиши (тегишли ёзув киритилган ҳолда) зарур. Ордер 5 кун ичида берилади.

Инвестиция киритилган объектга эгалик қилиш ва ундan фойдаланиш ҳуқуқини янги мулкдорга ўтказиш баланс (қолдиқ) қиймати асосида амалга оширилади.

Инвесторнинг объект эгаллаб турган ер майдонига бўлган мулк ҳуқуқи Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади, объектга ва унга тутах ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундan фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштириш Ерегодезкадастр давлат кўмитаси органларида амалга оширилади.

Мабодо мазкур объектда давлат стратегик резерви моддий ресурслари ҳамда фуқаро ҳимояси объектлари бўлган тақдирда, инвестор Давлат резерви маҳсулотлари ва товарлари учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома³ талаблари бажарилишини таъмин этиши шарт.

Шуни таъкидлаш жоизки, олди-сотди шартномасида объект фаолияти соҳаси муайян муддат мобайнида сақлаб турилиши шарт назарда тутилиши мумкин.

МАСЪУЛЛИК

Агар комиссия инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган деб топса, сотувчи 5 кун ичида инвесторни мазкур қарордан ёзма равишда хабардор этади.

Бундай ҳолларда олди-сотди шартномаси бекор қилиниши мумкин, шундай бўлган тақдирда инвесторга шартнома шартларига мувофиқ жарима солинади.

Шартномада назарда тутилган муддат ўтганидан кейин 3 ой мобайнида инвестиция мажбуриятларининг навбатдаги қисми лозим бўлган ҳажмда бажарилмаслиги оқибатида шартнома белгиланган тартибда, сотувчи ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин.

Неустойка қўлланиш миқдори ва тартиби, шунингдек шартномани бекор қилиш шартлари ва тарафларнинг жавобгарлиги аввал-бошданок, шартномани имзолаш босқичига қадар назарда тутилган бўлади.

Ольга КИРЬЯКОВА,
мухбиримиз.

Мақола Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитасининг кўмағида тайёрланди.

Ушбу мақола тавсия, тушунтириш хусусиятига эга бўлиб, унга муфассал ва мукамал деб қарамаслик керак. Қўшимча ахборот олиш учун Давлат рақобат кўмитасига (+ 998 71) 259-20-23, 259-20-21 телефон рақамлари ёки Кўмитанинг gki.uz расмий сайти орқали мурожаат этиш мумкин.

Инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан «ноль» харид қиймати бўйича хусусийлаштириладиган объектлар (Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2012 йилдаги 154-сон қарорининг 3-иловасига биноан) ва Тадбиркорлик субъектларига бепул бериладиган ва келгусида уй-жой сифатида фойдаланиладиган кўп қаватли объектлар (юқоридаги қарорнинг 4-иловасига биноан) бўйича танлов шартлари **портал.uz** сайтида эркин фойдаланиш учун жойлаштирилган.

¹ВМнинг 26.08.2003 йилдаги 368-сон қарори билан тасдиқланган.

²29.08.1997 йилдаги 470-й-сон Қонун.

³ВМ ҳузуридаги Давлат моддий резервлари бош бошқармаси ҳамда МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 2.04.1997 йилда 319-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

ИШТИРОКЧИНИ МЧЖдан ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЧИҚАРИШ МУМКИН

Масъулияти чекланган жамиятга бирлашиб, унинг иштирокчилари одатда умумий мақсадни кўзлайдилар ва унга эришишга интиладилар. Бироқ вақт ўтиши билан баъзи муассислар компанияда юз бераётган воқеаларга қизиқишни йўқотишлари мумкин ва унинг фаолиятида иштирок этмай қўядилар. Бунинг акси ҳам бўлиб, улар ўз бизнесларини ташкил этадилар ва компания билан рақобатлашиб, унга қасддан зарар етказадилар. Бундай вазиятда жамиятнинг қолган иштирокчилари нима қила оладилар? Масалани таҳлил қилишга уриниб кўрамиз.

Қонун ҳужжатлари жамиятнинг ноҳалол иштирокчисига таъсир кўрсатишнинг фақат битта, бироқ кучли таъсир қиладиган усулини — уни МЧЖдан чиқаришни назарда тутди. Ушбу таомил ҳўжалик судига мурожаатни¹ назарда тутди ва ўз ичига анчагина кўп миқдордаги шартларни олади.

ИШЁҚМАС ИШТИРОКЧИ — КИМ У?

Сўзни қонун ижодкори таркибдан чиқаришга айнан кимни «муносиб» деб ҳисоблаши масаласидан бошлаймиз. Ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ва (ёхуд) ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан компаниянинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчи ана шундай шахсдир².

Ушбу мезонни қўллаш учун иштирокчининг хатти-ҳаракатига баҳо бериш лозим. Шу боис қонунчиликда иштирокчиларни таркибдан чиқариш жараёнига ҳўжалик суди киритилган. Айни судья иштирокчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ўз мажбуриятларини қўпол бузишга



кириш-кирмаслигини, улар компанияга зарар келтиришини ҳал этиши керак.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: **иштирокчини таркибдан чиқариш жараёнидан олдин унинг ҳуқуқбузарликлари, шунингдек бунинг оқибатлари исбот-далиллари тўплаб олиш керак.**

Иштирокчининг қандай ҳаракатларини ҳуқуқбузарликлар деб аташ мумкин? Фикримизча, уларга иштирокчининг жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилишини³ киритиш мумкин. Шунингдек иштирокчини таркибдан чиқариш тўғрисида даъволар беришнинг сабабларидан бири умумий йиғилишларга мунтазам равишда келмаслик бўлиши

мумкин. Ушбу ҳолда судга мурожаат қилувчилар таркибдан чиқаришга номзод ўзи келмаган ҳар бир мажлисининг санаси, вақти ва ўтказиш жойи тўғрисида ўз вақтида ҳамда тегишли тарзда хабардор қилинганлигини исботлашлари керак. Яъни судга умумий йиғилиш баённомалари (уларда МЧЖ учун муҳим бўлган, ҳамжиҳатликда овоз бериш талаб қиладиган масала ҳал қилиниши, бироқ ушбу иштирокчининг йиғилишда бўлмаганлиги туфайли қарор қабул қилинмаганлиги қайд этилган) билан бирга почта қвитанциялари тақдим этилиши мумкин. Даъвогарлар иштирокчининг йиғилишга келмаганлиги билан МЧЖ учун муҳим бўлган у ёки бу қарорни қабул қилиб бўлмаслиги ўртасида бевосита алоқа борлигини исбот қилишга тайёр бўлишлари керак. Ва, албатта, суд нима учун йиғилишга келмаганлигини ҳисобга олади.

БИР ЎЗИ КўПЧИЛИККА ҚАРШИ Қонунга кўра иштирок-

чини жамиятдан чиқариш тўғрисида судга жамиятнинг ўзи эмас, балки фақат ушбу МЧЖнинг бошқа иштирокчиларигина мурожаат қила оладилар. Бунда судга мурожаат қилаётган муассисларнинг улуши жамлиқда камида 10% бўлиши муҳимдир.

Мисол учун, судга МЧЖда 10%лик улушга эга бўлган бир иштирокчи даъво аризаси бера олади. Ёки жамиятдаги улушлари 5%дан, жамлиқда эса 10%ни ташкил этадиган икки иштирокчи судга мурожаат қилиши мумкин.

Эътибор қилинг, қонунчиликда мажоритар улушга эга бўлган иштирокчини жамиятдан чиқариш талабини эълон қилиш имконияти ҳеч ҳам чекланмайдиган. **Назарий жиҳатдан олганда, 10%лик улушга эга бўлган иштирокчи улуши 90% бўлган иштирокчини таркибдан чиқаришни талаб қилиши мумкин.** Бироқ амалиётда бундай даъволарнинг қолдирилиши даргумон. Аслида, бундай вазиятларда мажоритар иштирокчи (яъни улуши 50%дан кўп бўлган иштирокчи) МЧЖ сиёсатини белгилашга ҳақлидир. Шу сабабли унга рози бўлмаган миноритарийлар ўзларининг таркибдан чиқишлари тўғрисида эълон қилишлари, бироқ мажоритар иштирокчини чиқаришни талаб қилмасликлари мумкин.

ДАЪВО АРИЗАСИНИ ТУЗАМИЗ

Энди ҳўжалик судига иштирокчини жамиятдан чиқариш чоғида бериладиган даъво аризасига батафсилроқ тўхталамиз.

Унда мазкур мурожаат билан боғлиқ ҳолатлар ва ушбу ҳолатлар жамият учун келтирадиган оқибатларни кўрсатиш керак. Бунда улар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаси аниқ акс эттирилиши керак. Ушбу асослар ва оқибатларнинг ҳар бири, табиийки, ҳужжат билан тасдиқланиши лозим. Масалан, иштирокчи умумий йиғилишга келмаганда — йиғилишга келган

МЧЖ иштирокчиларини рўйхатга олиш журнали, МЧЖ иштирокчилари умумий йиғилишининг баённомаси, почта ҳужжатлари билан мазкур келмаслик МЧЖ учун муҳим бўлган қарорни қабул қилишни йўққа чиқарганлигини тасдиқлаш учун эса қарорларни қабул қилиш таомили баён этилган жамият уставини илова қилиш зарур. Тасдиқловчи барча ҳужжатларнинг нусхаларини эса даъво аризасига илова қилиш лозим.

Ушбу ҳужжатлардан ташқари, даъво аризасига судга мурожаат қилаётган шахс (ёки шахслар) бундай ҳуқуққа эгалигини, яъни устав капиталида камида 10% улушга эгалигини тасдиқлайдиган қоғозларни илова қилиши керак. Ушбу далилни, масалан, МЧЖни таъсис этиш шартномаси билан тасдиқлаш мумкин.

АГАР СУД МАЪҚУЛЛАСА

Суднинг иштирокчини таркибдан чиқариш тўғрисидаги ҳал қилув қарори (аниқроғи — ушбу ҳал қилув қарорининг кучга кириши) жамият бухгалтери учун таркибдан чиқарилган иштирокчига унинг улуши қийматини ҳисоблаш ва тўлаш мажбуриятини келтириб чиқаради. **Бунда улушнинг ўзи масъулияти чекланган жамиятга ўтади⁴.**

Иштирокчининг МЧЖдан ихтиёрий чиқиши билан боғлиқ ҳолдагидек, улушнинг қиймати суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кириш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари бўйича белгиланади. Шунингдек қонун ҳужжатларида жамиятдан чиқарилган иштирокчига унинг мол-мулкни натурада, бироқ фақат унинг розилиги билан, бериш имконияти назарда тутилган.

Унутманг, улушнинг жамиятга ўтиши тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилиши керак⁵.

¹Хўжалик процессуал кодекси 23-моддаси биринчи қисмининг 4-банди.

²«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин — МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 8-моддасининг иккинчи қисми.

³МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 9-моддаси.

⁴МЧЖ тўғрисидаги Қонун 22-моддасининг иккинчи хатбошиши.

⁵Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (Президентнинг 24.05.2006 йилдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 33-банди.

РЕКЛАМА



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч. 1/1, 6-қават.

Тел. (998 71) 283-23-74, 283-23-60. E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,

Миробод тумани,

Таллимаржон кўч., 1/1,

Тахририят тел. 283-44-27

Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун масъул:

Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаи назарига мос келмавермайдиган.

Тахририят муштариолар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлланатириш, тарқатишга **фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.**

Газета тахририят томонидан таъёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ

босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс — 186 Буюртма 1103 Адагу 2165. Баҳоси келишилган нархда

Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 12 августда соат 17.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223